

**1 – МАВЗУ: «ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИ  
ИҚТИСОДИЁТИ»  
ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ,  
ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ**

- 1. Қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти**
- 2. Аграр ислоҳотларнинг устувор йўналишлари**
- 3. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фаннинг предмети ҳамда вазифалари**
- 3. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фаннинг предмети (мақсади) тадқиқот қилиш, ўрганиш усуллари**
- 4. «Қишлоқ хўжалик иқтисоди» фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги**

«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» қуйидаги аралаш фанларнинг ўргатиш услубиётларидан фойдаланади:

1. Агробизнесни ташкил қилиш ва режалаштириш;
2. Иқтисодий география;
3. Қишлоқ хўжалиги статистикаси;
4. Бухгалтерия ҳисоби;
5. Иқтисодий кибернетика;
6. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг таҳлили;
7. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари технологиясини иқтисодий баҳолаш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигида бутун халқ хўжалик тармоқлари сингари қуйидаги қонунлар тизими ҳаракат қилади:

1. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш;
2. Жамғариш;
3. Қиймат, талаб ва таклиф қонунлари;
4. Меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши ва бошқалар.

## Қишлоқ хўжалигининг ҳаётий муҳимлиги қуйидагиларда аниқланади:

- Биринчидан, у аҳолини озиқ-овқат билан таъминлайди, усиз кишиларнинг маънавий ҳаёти ва моддий ишлаб чиқариш амалга ошмайди.
- Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги енгил ва озиқ-овқат саноати учун хом ашёнинг асосий массасини беради, яъни у тармоқлари маҳсулоти ҳам бевосита аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилади.
- Учинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мамлакат оғир саноатининг ривожланиш суръатига ва даражасига самарали таъсир кўрсатади.
- Тўртинчидан, қишлоқ хўжалик меҳнат ресурсларини сафарбар қилиш сфераси сифатида катта аҳамиятга эга.
- Бешинчидан, қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги роли яна шу билан аниқланадики, у умумхалқ масалаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган жамғаришнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

# «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фани предмети (мақсади)ни ҳал этиш учун кўйидаги асосий вазифалар ечимининг назарий, услубий асосларини ўргатиш лозим:

- қишлоқ хўжалигининг босқичма-босқич ривожланишини, унинг республика иқтисодиётидаги ўрни, аҳамияти ҳамда ўзгариш қонуниятларини аниқлашни;
- тармоққа давлат раҳбарлигини, унда амалга оширилаётган аграр-иқтисодий ислоҳотлар мазмуни ва моҳиятининг ҳолатини, уларни ривожлантириш йўллари, масалаларини кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик турлари, уларнинг фаолиятига баҳо бериш ва такомиллаштириш йўллари;
- тармоқнинг чекланган ер-сув, меҳнат ресурслари, инвестициялар ва улардан тадбиркорлик билан самарали фойдаланиш даражасига иқтисодий баҳо бериш тартибини ўрганиш, уларни такомиллаштириш ва ривожлантириш йўллари асослаб бериш;
- қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган доимий ва ўзгарувчан, ўртача харажатларни, уларнинг таркиби ва камайтириш йўллари, етиштирилган маҳсулотнинг ҳажмини, сифатини, самарали тақсимланишини ҳамда пул оқимларини ўргатиш;
- тармоқда иқтисодий муносабатларни амалга оширишда фойдаланилаётган баҳоларнинг тизимини, таркибини, мазмунини, даромад ва фойдани аниқлаш, уларни оқилона тақсимлаш йўллари кўрсатиш;

# Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос

## хусусиятлари:

- тармоқда ер-сув ресурслари, ўсимлик ва табиий ҳайвонот дунёси, тирик организмлар, биологик меҳнат воситаларидан фойдаланилади
- тармоқда бош ишлаб чиқариш воситаси ер ресурслари ҳисобланади
- такрор ишлаб чиқариш иқтисодий жараёни табиат билан чамбарчарс боғланган, маҳсулот ишлаб чиқариш биологик цикл билан боғлиқ.
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг тупроқ-иқлим шароитига боғлиқлигидир
- сув ресурсларидан фойдаланиш муҳим роль ўйнайди.
- иш вақти билан ишлаб чиқариш даври мос келмайди
- тармоқ ўзининг ривожланиши жараёнида табиий ва иқтисодий шароитларига қараб ўзаро технологик боғлиқ бир неча тармоққа ишлаб чиқаришга ихтисослашади.
- Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида тайёр маҳсулот (ялпи маҳсулотнинг 20%)нинг бир қисми келгуси давр ишлаб чиқаришида, ишлаб чиқариш воситаси (уруғ, ем-хашак, бузоқ ва ҳ.к.)га киради.

# Қишлоқ хўжалигининг узок йиллар давомида турғунлиги ва инқирози сабаблари кўп, уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

- Деҳқонларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий камситилиши;
- Ходимларнинг ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларидан узоклашиши, мулкка эгаликнинг паст даражада ташкил топиши;
- Директив режалаштириш ва баҳоларни белгилаш, маъмурий қўмондонлик тизимининг давом этиши;
- Чегараланган моддий-техник таъминоти ва молиялаштириш, қайта ишловчи саноатларда моддий техника ва технологиянинг орқада қолиши;
- Фаннинг ролини тўғри баҳоламаслик, фан-техника тараққиётидан фойдаланишнинг пастлиги.



# Қишлоқ хўжалигини инқироздан чиқаришнинг асосий йўллари:

- Иқтисодий муносабатларни қайта қуришнинг муҳим қисми сифатида ер ислоҳотини аста секин амалга ошириш.;
- Қишлоқда тақсимот муносабатларини ўзгартириш.
- Мулк ва хўжалик юрителишнинг янги шаклларини қўллаб қувватлаш.;
- Турли хўжаликларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хўжалик юрителишнинг мавжуд шаклларини ўзгартириш
- Хўжалик юрителишнинг бозор механизmidан фойдаланишга ўтиш;
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экологизация қилиш ва ресурсларни тежаш;
- Фаннинг роли ва унинг ишлаб чиқаришга таъсирини кучайтириш.